

## ШАРТНОМА № 373458

Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун

г. Джизак

"05" оғ 2022

"Perfectum" уяли алоқа тармоғининг оператори хисобланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган 16.09.2016 йилдаги АА 0005969-сон Лицензия, 16.09.2016 йилдаги АА 0005968-сон Лицензия, 11.07.2016 йилдаги АА 0005876-сон Лицензия, 15.07.2020 йилдаги АА 0008127-сон Лицензия, 26.03.2018 йилдаги АА 0006436-сон Лицензия ва Устав асосида ҳаракат килювчи ОПЕРАТОР: "RUBICON WIRELESS COMMUNICATION" МЧЖ ҚҚ, унинг номидан Устав асосида ҳаракат килювчи Бош директор вазифасини бажарувчи Патапатов Э.М., биринчи томондан, ва

**АБОНЕНТ: "ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ХОКИМЛИГИ", унинг номидан ABDUVAXHABOV ABDURAXIM ISMAILOVICH** асосида ҳаракат килювчи \_\_\_\_\_, иккинчи томондан, куйида биргаликда – "Тарафлар", алоҳида – "Тараф" деб номланувчилар, мазкур Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун шартномани (куйида - «Шартнома») куйидаги шартларда туздилар:

### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Оператор мазкур Шартноманинг шартларига мувоғик Абонентга кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этади.
- 1.2. Мазкур Шартнома шартлари тарафлар риоя килиши лозим бўлган телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раками 3275) мос келади.
- 1.3. Оператор томонидан кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматлари Абонентни Ўзбекистон Республикаси худудида CDMA стандартидаги кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматлари тармоғига улаш ва ашёвий шаклга эга бўлмаган маълум техник операцияларни амалга ошириш орқали тақдим этилади.
- 1.4. **Мазкур Шартноманинг мақсадлари учун қўйидаги асосий атамалар ва таърифлар қўлланилади:**

**Абонент** – Оператор билан мазкур Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун шартномани тузган юридик шахс.

**Абонент раками** – телекоммуникация тармоғига уланган абонент ускунаси идентификация килинадиган ва Абонентта бериладиган шахсий ракам ёхуд RUIM-картаси. Абонент раками ички тармок коди, префикс ва ракамдан иборат.

**Абонент ускунаси** – тармокқа уланадиган радиоканаллар бўйича ахборотни узатиш ёки кабул килиш учун электр алоқалар сигналларини ташкил қилювчи техник восита. Абонент ускунаси ва унинг дастурий таъминоти Оператордан Абонент томонидан харид килинади ва/ёки ижарага олинади ёхуд Абонентнинг хусусий мулк хисобланади.

**Абонент тўлови** – Абонентта уяли алоқа хизматларидан фойдаланиш имконияти тақдим этилганлиги учун Операторнинг тарифларида белгиланган микдорда ва даврийликда Абонентнинг шахсий хисоб ракамидан автоматик равишда чиқариладиган тўлов.

**Шахсий/мобил кабинет** – Абонент томонидан ўз аутентификацияловчи маълумотларни киритиш воситасида шахсий компьютер ва/ёки абонент ускуналаридан фойдалана олиш орқали Абонент томонидан олинган хизматлар хажми ва шахсий хисоб ракамининг жорий холати хақида статистик ахборотдан иборат Операторнинг расмий WEB-сайтидаги электрон бўйича. Экспресс тўлов картасини фаоллантириши – Абонентнинг шахсий хисоб раками экспресс тўлов картаси орқали тўлдириладиган тартибот.

**Шартнома** – Абонент ва Оператор ўртасида тузиладиган мазкур Кўчма радиотелефон (уяли) алоқа хизматларини тақдим этиш учун шартнома ва унга иловалар.

**Тармоқдан фойдалана олиш** – Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматларни олиш учун Операторнинг тармоғидан фойдаланиш имконияти.

**Тарификация бирлиги** – Оператор томонидан танланган тарификация тизимида боғлик бўлган телефон сухбати (уланиш)нинг Абонент томонидан тўланадиган давомийлик бирлиги.

**Хизмат кўрсатиш зонаси** – лицензия келишувлари асосида Оператор алоқа хизматларини кўрсатиш хукуқига ва алоқа хизматлар кўрсатиш техник имкониятларига эга бўлган худуд.

**Газначилик** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги ва/ёки газначилик бўлинмалари.

**Экспресс тўлов картаси** – Абонентга алоқа хизматлари тақдим этилиши мумкин бўлган сумма микдори, амал килиш даври, серия раками, маҳфий коди, ёпик химоя катлами ва бошка маълумотлар кўрсатилган картон ёки пластик карта.

**Контент** – СМС ва маълумотлар узатиш хизматлари орқали олинган ахборот ёки кўнгилочар хусусиятига эга матнни ёки мультимедия маълумотлар.

**Шахсий хисоб раками** – Операторнинг автоматлаштирилган хисоб-китоблар тизимида Абонентнинг алоқа хизматларини олиш учун хукуклари хажми тўғрисида пул эквивалентида ифодаланган ахборотни ўз ичига олган электрон файл.

**Оператор** – "RUBICON WIRELESS COMMUNICATION" МЧЖ ҚҚ (товар белгиси "Perfectum").

**Расмий WEB-сайти** – Операторнинг www.perfectum.uz манзили бўйича Интернет тармоғида жойлашган сайти.

**Маълумотларни узатиш** – телекоммуникация воситалари орқали бир жойдан иккинчи жойга иккилик сигналлар кўрнишидан маълумотларни ўтказиш.

**Узиб қўйини чегараси** – Оператор Абонентга тақдим этиладиган алоқа хизматлари ҳажмини чеклаш ёхуд уларни тўлиқ тўхтатиб қўйини хукуқига эга бўлган Абонентнинг шахсий хисоб ракамидаги (балансидаги) пул маблағларининг минимал микдори.

**Қоидалар** – Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат раками 3275. **Фойдалана олишни тақдим этиш** – Оператор томонидан Абонент фойдаланиши учун Абонент ракамини ва тармокка уланишини тақдим этиш бўйича операцияларни бажариш.

**Радиотелефон уланишининг давомийлиги** – Оператор аппаратураси томонидан чакирилаётган томон жавобини аниқлаш вактидан томонлардан бири тарафидан радиотелефон уланишининг узилишини Оператор аппаратураси аниқлаш вактигача бўлган вакт оралигининг узунлиги.

**Радиотелефон уланиши** – алоқа хизматлари фойдаланувчиларининг алонент ускунаси ўргасида радиотелефон алоқасини ўрнатиш, уларнинг хеч бўлмаса биттаси ахборот алмасинуви имкониятини таъминлайдиган тармок Абоненти бўлиб хисобланади.

**Хисоб-китоб даври** – бир календар ойнга (хар ойлик абонент түловида) ёхуд бир календар кунига (хар кунги абонент түловида) тенг бўлган вакт даври, унинг давомида Оператор томонидан алоқа хизматлари тақдим этилади. Хар ойлик абонент түловида хисоб-китоб даврининг бошланиши бўлиб календар кунининг биринчи куни, тугаши бўлиб эса охирги куни хисобланади. Хар кунги абонент түловида эса – мувофик равишда 00:01 соат ва 23:59 соат.

**Роуминг (Roaming)** – бир Оператор абонентининг бошка мамлакатда бўлган иккинчи Операторнинг хизмат кўрсатиш худудида бўлганди тармогидан фойдалана олишини тъминлайдиган хизмат. Мамлакатлар ва Операторнинг роуминг-шерилари рўйхати қатъий белгиланган амал килиш санаасига актуалаштирилади ва вакти-вакти билан ўзгариши мумкин. Роуминг-шерилар рўйхати роуминг хизматлари учун тарифлар каби Оператор томонидан расмий WEB-сайтда ва босма ахборот материалларида кўрсатилади.

**RUIM-картаси (Removable User Identity Module)** – ичига курилган микросхемали пластик картадан иборат ва CDMA уяли алоқа тармогида. Абонентни идентификациялаш имконини берувчи абонентнинг идентификация модули. RUIM-картаси ташки кўриниши бўйича Оператор томонидан тасдиқланган намунаға мос келиши ва текширудан ўтказилиши, компаниянинг маълумотлар базасида қайд этилиши керак (RUIM-картаси (A-key)нинг юкори хавфсизлик даражаси тўғрисида ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак).

**Тармоқ** – ўзида техник воситалар (коммутация ва радио ускуналар, абонент курилмалари, боғловчи линиялар, иншоотлар ва х.к.) йигиндисини касб этувчи кўчма радиотелефон (уюли) алоқа тармоги, бу техник воситалар ёрдамида Абонентга уяли радиотелефон алоқа (телефон, маълумотлар узатиш ва б.) хизматлари тақдим этилади. "Тармоқ", "уюли тармоқ" ва "уюли алоқа тармоғи" атамалари бир хил маънога эга.

**СМС (SMS / Short Messaging Service)** – қиска матнли хабарлар хизмати.

**Тарификация тизими** – алоқа хизматларининг ҳар хил турлари ва тўплами учун алоқа хизматининг нархини хисоб-китоб килиш усули.

**Тараф** – мазкур Шартноманинг бирор бир тарафи, Оператор ёки Абонент.

**Тарафлар** – мазкур Шартноманинг иккала тарафи, Оператор ва Абонент.

**Тариф режаси** –муайян хизматлар тўпламига мос келадиган тарифлар рўйхати.

**Қўшимча хизмат учун тариф** – тариф режасига кирмайдиган алоҳида хизмат учун Оператор томонидан белгиланадиган тариф. Алоҳида тариф бирор бир тариф режаси танланиши билан боғлик эмас. Алоҳида тарифлар ёхуд Оператор тарифларида, ёхуд Абонент билан тузилган шартномада, ёхуд Интернетда (Операторнинг расмий WEB-сайтида), ёхуд оммавий ахборот воситаларида кўрсатилади.

**Тарифлар** – тариф режалар ва Оператор томонидан белгиланадиган қўшимча хизмат учун тарифлар йигиндиси.

**Тармоқдан фойдалана олишини тақдим этиш техник имконияти** – ажратилган радиочастотали ресурсни хисобга олган ҳолда, абонент сифимининг бўш ракамлари ва/ёки алоқа каналларининг, шу жумладан радиоканалларнинг мавжудлиги.

**Алоқа хизматларини тақдим этиш техник имконияти** – Операторнинг хизмат кўрсатиш зонасида Абонентга тегишли алоқа хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ишлайдиган алоқа техник воситалари ва иншоотларининг мавжудлиги.

**Хизматлар** – кўчма радиотелефон (уюли) алоқа хизматлари. "Хизматлар", "алоқа хизматлари" ва "уюли алоқа хизматлари" иборалари бир хил маънога эга.

**Фрод** – Оператор томонидан тақдим этилаётган хизматлардан тегишли тўловсиз ўрнатилган қоидалар ва тартиботларни бузини билан фойдаланишга олиб келувчи, худди шунингдек Оператор, Операторнинг абонентлари ва/ёки ўзга учинчи шахсларнинг пул маблағлари ва ахборотини ноконуний кўлга киритиш чун каратилган Абонентнинг касддан қилинган харакатлари ва/ёки харакатсизлиги.

## 2. ОПЕРАТОРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ХУҶУҚЛАРИ

### 2.1. Оператор кўйидаги мажбуриятларни олади:

- 2.1.1. Мазкур Шартноманинг амал килиш даври ичida Абонентга алоҳида абонент ракамини тақдим этиш ва абонент ускунаси/RUIM-картаси дастурлаштирилишини амалга ошириш. RUIM-картасидан фойдаланиш орқали уланишда/RUIM-картасига кайта дастурлаштирилганда, RUIM-картаси уланган/RUIM-картасига кайта дастурлаштирилган пайтдан эътиборан Абонентга "RUIM" карталари баҳоси RUIM-картасидан фойдаланиш орқали уланиш/RUIM-картасига кайта дастурлаштириш кийматига хисоблаб ёзилади.
- 2.1.2. Абонентнинг абонент ускунасини/ RUIM-картасини тармоқка улаш ва Абонент тармоқнинг хизмат кўрсатиш зонаси доирасида бўлганида, амалдаги стандартлар ва техник меъёрлар талабларига мувофик унга уяли алоқа хизматларини кўрсатиш.
- 2.1.3. Абонентни хизмат кўрсатиш зонаси чегаралари билан танишириш ва уни ушбу чегаралар ўзгаришлари тўғрисида мунтазам хабардор этиши.
- 2.1.4. Абонентга Оператор томонидан тақдим этилаётган уяли алоқа хизматлари тўғрисида, уяли алоқа тармоғининг хизмат кўрсатиш зонаси тўғрисида, уяли алоқа хизматлари учун тарифлар тўғрисида, Абонентнинг шахсий хисоб раками холати тўғрисида. Бепул кўрсатиладиган ахборот-маълумот хизматлари тўғрисида, Оператор (унинг филиаллари) реквизитлари (жойлашган манзиллари) ва иш режимлари тўғрисида, абонент курилмасидан уяли алоқа тармоқларида фойдаланиш ва Абонентдан техник носозликлар, RUIM-картаси ёки абонент курилмаси йўқотилганлиги, Абонентнинг шахсий маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида ахборотларни қабул килиш имкониятлари тўғрисида бепул маслаҳатлар берилишини тъминлаш.
- 2.1.5. Абонентга қоидалар ва Операторнинг амалдаги тарифларига мувофик хизматлар учун хисобларни тақдим этиш.
- 2.1.6. Хисоб-китоб даври тугаганидан сўнг 5 (беш) календар куни ичida Абонент томонидан Шартноманинг 4-бандида кўрсатилган манзил ва усул бўйича Абонентга тақдим этилган алоқа хизматлари учун хисобларни етказиб бериш. Етказиб бериш манзили бўйича етказиб берилган хисобларнинг Абонент томонидан олинмаганлиги ёки кечикиб олиши Абонентни Оператор хизматлари учун ўз вактида тўловдан озод килмайди.
- 2.1.7. Абонент томонидан мазкур Шартноманинг 3.1.8-банди талаблари бузилганлиги учун Оператор жавобгар бўлмайди.
- 2.1.8. Оператор Ўзбекистон Республикаси конунчилигига ва мазкур Шартномада назарда тутилган бошка мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

### 2.2. Оператор кўйидаги хуҷуқларга эга:

- 2.2.1. Уяли алоқа хизматлари учун тарифларни мустакил белгилаш.
- 2.2.2. Амалдаги тарифларга, хизматлар учун тўлов шартлари ва муддатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Операторнинг расмий WEB-сайтига тегишли ахборот жойлаштириш орқали ёки SMS-хабарлар орқали ёки оммавий ахборот воситалари орқали ёки ўзга тарзда, агар киритилаётган ўзгартиришлар Абонент холатини яхшиласа, кайд этилган ўзгартиришлар жорий килингунга кадар энг камидаги 1 (бер) кун олдин, агар киритилаётган ўзгартиришлар Абонент холатини оғирлаштире, кайд этилган ўзгартиришлар жорий килингунга кадар энг камидаги 15 (юн беш) кун олдин Абонентни хабардор килиб, уларга бир томонлама тартибида ўзгартиришлар киритиш. Бу ҳолда Абонент томонидан Шартноманинг 10.4-бандида назарда тутилган ўз хуҷуқларидан фойдаланмаслик, Операторнинг янги тарифлари, хизматлар учун тўлов шартлари ва муддатлари билан розилигини билдиради.

- 2.2.3. Кўшимча хабардор қилмасдан Абонентнинг абонент ракамини тармоқдан узib қўйиш ва унга хизмат кўрсатиши тўхтатиш, агар бундан олдин Абонентнинг илтимоси бўйича вактнинчалик узib қўйиш амалга оширилган ва Абонентнинг хисобида амалдаги тарифларга асосан “Ракам сакланган ҳолда вактнинчалик узib қўйиш” хизматлари тўлови учун етарли миқдорда пул маблағлари колмаган бўлса.
- 2.2.4. Абонент томонидан фойдаланилаётган хизматлар ҳажмига боғлик ҳолда олдиндан тўлов ёки бадаллар миқдорини ўзгартириш. Абонент ўзгартирилган тўловлар ёки бадалларни тўлашдан бош тортган тақдирда, Оператор Абонентга тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини тўловга мутаносиб равишида чеклаб қўйиш хукукига эга.
- 2.2.5. Абонент томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилиган тақдирда, тармоқда абонент ускунаси/RUIM-картасидан фойдалана олишни тўхтатиб қўйиш. Бузилишлар тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, Оператор тарифлари бўйича абонент ускунасидан/RUIM-картасидан фойдалана олишга тақороран рухсат бериш. Бунда Абонентга олдинги абонент раками сакланиб колишига кафолат берилмайди.
- 2.2.6. Агар мавжуд бўлган абонент ракамларида тўланмаган карздорлик бўлса, Оператор Шартнома бўйича ракамларга кўшимча уланишни амалга оширмаслик хукукини ўзида саклаб колади.
- 2.2.7. Хисоб-китоб даврининг биринчи санасида абонент тўловини хисоблаш натижасида карздорлик пайдо бўлганлиги сабабли календар ойнинг биринчи санасида абонент раками ўчирилган шарти билан, Оператор Абонентнинг ёзма аризасига асосан хисоб-китоб даврининг ҳар қайси куни тариф режасини ўзгартириш хукукига эга. Бу ҳолда хисобланган абонент тўлови янги танланган тариф режасига асосан қайта хисобланади.
- 2.2.8. Оператор Ўзбекистон Республикаси конунчилигига ва мазкур Шартномада назарда тутилган бошқа хукукларга эга бўлиши мумкин.

### **3. АБОНЕНТНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ХУҚУҚЛАРИ**

#### **3.1. Абонент қўйидаги мажбуриятларни олади:**

- 3.1.1. Коидалар ва Операторнинг амалдаги тарифларига мувофиқ, Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақни тақдим этилган хисобларга асосан ўз вақтида тўлаш.
- 3.1.2. Хизматлар учун нақдиз шаклдаги тўловда банк тўлов хужжатларда тўлов мансади, Шартнома раками, хисоб раками, хисоб-китоб даврларини кўрсатиш.
- 3.1.3. Манзил, банк ёки ўзга реквизитларнинг барча ўзгаришлари ҳакида Операторга З (уч) банк куни ичida ёзма равишида хабар бериш. Бунда ўзгартиришлар ҳакида хабарнома Абонент томонидан Операторнинг тегишли тасдиклови олинганидан сўнг Операторга етказилган деб хисобланади. Абонент томонидан кўрсатилган харакатлар бажарилмаган тақдирда, Абонент Операторга жарима тўлаш кунига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳакининг икки баробари миқдорида жарима тўлайди, шунингдек Абонентнинг янги манзили, банк реквизитлари ва бошқа реквизитларини ўрнатиш билан боғлик бўлган харажатларини қоплади. Оператор томонидан унга Абонентнинг охирги маълум манзили бўйича юборилган барча хисоблар ва/ёки хабарномалар (талаблар) лозим даражада юборилган деб хисобланади, бунда ҳеч қандай талаблар, улар олинмаган тақдирда, Оператор томонидан кабул килинмайди.
- 3.1.4. Уяли алока хизматларини учинчи шахсларга бермаслик (ихтиёрига ўтказмаслик). Абонент томонидан ушбу банд талаблари бузилган тақдирда, Оператор Абонент томонидан бундай коида бузилиши тўғрисида хабардор бўлган пайтдан эътиборан зудлик билан шартномани бекор килиш хукукига эга.
- 3.1.5. Учинчи шахсларнинг Абонент томонидан учинчи шахсларга ўтказилган аабонент ускунаси/RUIM-картасидан фойдаланиш ёки фойдаланишининг имконияти йўклиги билан боғлик бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай заарлар ёки шикастланишлар тўғрисидаги барча даъволаридан Операторни саклаш. Учинчи шахслар томонидан абонент ускунасида (RUIM-картасидан) фойдаланиш Абонентни Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун жавобгарлиқдан озод этмайди.
- 3.1.6. Абонентнинг абонент ускунаси/RUIM-картаси йўқотилганда, ўғирлатилганда ёки Абонентда абонент ускунаси/RUIM-картаси мавжуд бўлмаган бошқа холатларда. Абонент унга хизмат кўрсатиши тўхтатиш тўғрисида Операторни дархол ёзма равишида хабардор килади. Оператор бу тўғрисида ўз вақтида хабардор килинмаган тақдирда, Оператор томонидан Абонентнинг тегишли ёзма равищдаги аризаси олингунинг кадар Абонентнинг абонент ускунаси/RUIM-картаси учинчи шахслар томонидан ишлатилиши мумкинлиги билан боғлик Операторнинг хизматлари учун тўлов бўйича барча мажбуриятларни олади.
- 3.1.7. Мазкур Шартнома бекор килинишда, кўрсатилган хизматлар учун Оператор билан якуний хисоб-китобларни амалга ошириш. Тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Оператор карзларни ундириб олиш хукукига эга, агар бундай ундириб олиш бўлса.
- 3.1.8. Абонент томонидан тақдим этилган алока хизматларидан ва/ёки ҳар қандай кўшимча хизматлардан фойдаланиш ижтимоий, маънавий ва ахлоқий тамоилиларга мос келиши керак, ҳамда конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга даъват килувчи, уруш, зўравонлик, шафқатсизлик, диний ва миллий адоват, инсоннинг шаъни ва қадр-қийматини камситиш, порнография, шунингдек Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ҳар қандай ахборотни тарғиб килувчи хабарлар ёхуд ахборотдан иборат бўлмаслиги керак.
- 3.1.9. Мазкур Шартномани ижро этиш мақсадида, Операторнинг сўровномасига биноан Абонент (унинг вакили) унинг шахсини тасдикловчи хужжатларни ва уларнинг нусхаларини тақдим этиш мажбуриятини олади.
- 3.1.10. Абонент хисоб-китоб даври тугагунига кадар мазкур Шартномани бекор килиши ёки Шартнома бўйича хизматлар тақдим этилишини вактинча тўхтатиб туриш истаги тўғрисида Операторни олдиндан хабардор килиши керак. Акс ҳолда Абонент хисоб-китоб даври учун хисобланган барча тўловларни тўлаб бериши керак.
- 3.1.11. Абонент фродли харакатлар деб баҳоланадиган харакатларга йўл қўйиласлиги керак.
- 3.1.12. Абонент Ўзбекистон Республикаси конунчилигига ва мазкур Шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

#### **3.2. Абонент қўйидаги хукукларга эга:**

- 3.2.1. Шартномада назарда тутилган амалдаги тарифларга, хизматлар тавсифларига ва хизматлар сифатига қўйиладиган талабларга, шунингдек Оператор томонидан кўрсатиладиган кўшимча хизматларга мувофиқ уяли алока хизматларидан фойдаланиш.
- 3.2.2. Оператордан Шартнома билан белгиланган мажбуриятлар бажарилишини талааб килиш.
- 3.2.3. Операторнинг ахборот-маълумот хизматидан фойдаланиш.
- 3.2.4. Оператор томонидан белгиланган тартибида ва шартларда барча турдаги хизматлар бўйича барча амалга оширилган уланишлар санаси ва вакти, уларнинг давомийлиги ва абонент ракамлари кўрсатилган ҳолда хисоб тафсилотини олиш.
- 3.2.5. Шартнома талаблари ва шартларига риоя қилинганда, шунингдек муайян худудда (аэропорт, самолёт, антенна майдони ва х.) амал килувчи маҳсус кўрсатмалар ва коидалар ҳамда эҳтимолий тўсиклар ёки хавфли вазият юзага келган холатлардаги чекланишлар (тибиёт муассасаларида, ёнилғи сакланш ва қайта юқлаш худудларида, портлатиш ишлари ўтказиладиган

жойларда ва х.к.) хисобга олинган холда, хар кандай абонент қурилмасидан фойдаланиш. Оператор кўрсатилган чекловлар ва табоблор учунда Абонентни хабарлор килишга мажбур эмас.

- 3.2.6. Шошилинч оператив хизматларни чакиришда, шунингдек Шартномада назарда тутилган ҳолатларда уяли алоқа хизматларидан бепул фойдаланиш.

3.2.7. Унга унинг розилигисиз кўрсатилган хизматлар учун тўловни рад этиш.

3.2.8. Оператор томонидан кўрсатилаётган хизматларга таалуқли таклифлар ва талаблар билан Операторга мурожаат килиш.

3.2.9. Шартнома бўйича алоқа хизатлар кўрсатилишини тўхтатиб туриш тўғрисида Операторга ёзма равишдаги ариза билан мурожаат килиш.

3.2.10. Ўз вакилига (ишончли шахсига) конунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида унинг номидан юридик ва амалдаги харакатларни амалга ошириши учун ваколат берин.

3.2.11. Абонент Операторнинг амалдаги тарифларига мувофик кўшимча тўлов эвазига ўз абонент ракамини ўзгартиришга хакли, агар Оператор бунинг учун техник имкониятларга эга бўлса.

3.2.12. Шартномага илованинг 4-бандини расмийлаштиришда Абонент мазкур Шартноманинг 2.1.6-банлига биноан хизматлар учун хисобларни етказиб бериш бўйича истагини баён килиш хукукига эга. Ўзга холда, Абонент хисоб-китоб даври туганидан ва/ёки Оператордан тегишли хабарнома олинганидан сўнг кечи билан 5 (беш) банк куни ичida Операторнинг оффисларида (филиалларида) хисобларни олиш мажбуриятини олади. Абонент томонидан ушбу бандда кўрсатилган муддатда хисобларни тўланмаган тақдирда, Оператор Абонентни кўшимча хабардор килимасдан абонент рақамларни тармоқдан узиб қўйиш хукукига эга.

3.2.13. Шахсий/мобил кабинети орқали статистик ахборотга кириш имкониятига эга бўлиш, шунингдек он-лайн режимида ўз хисоб маълумотларининг оператив назоратини ва/ёки масофали бошқаришни амалга ошириш, шунингдек тақдим этилаётган хизматлар хажми ва тўпламини ўзгартириш, Шартноманинг 11.5-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Шахсий/мобил кабинетда амалга оширилган ҳар кайси ўзгартиришлар Абонент Операторга ёзма равишдаги ариза билан шахсий марожаат килинган каби Абонент томонидан ёзма шаклда амалга оширилган харакатларга тенглаштирилади.

3.2.14. Абонент Ўзбекистон Республикаси конунчилигига ва мазкур Шартномада назарда тутилган бошка хукукларга эга бўлиши мумкин.

#### 4. ЎЗАРО ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 4.1. Абонент томонидан танланган барча хизматлар, тариф режалар ва уланиш турлари, шунингдек чегирмалар ёки маркетинг тадбирлар даврида олинган ускуна/RUIM-картаси мазкур Шартноманинг ажралмас кисми хисобланган Шартномага иловатга кўрсатилади.
  - 4.2. Мазкур Шартномада назарда тутилган хизматлардан фойдаланганлик учун тўлов Операторнинг таифларига биноан Абонент томонидан олдиндан тўлов кўринишида амалга оширилади.
  - 4.3. Такдим этиладиган хизматлар учун Оператор тарифлари Шартнома тузишида ва алока хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китоблар учун мажбурий хисобланади.
  - 4.4. Абонент тўлови Абонент томонидан амалга оширилган сўзлашувлар сони ва давомийлигидан катъий назар, унинг томонидан танланган тариф режасига мувофиқ тўланади ва Шартнома бекор қилинган ёки абонент раками тармокдан узib кўйилган холатлардагина хисоблашдан тўхтатилади (Операторнинг амалдаги тарифларига асосан). Абонент раками тармокдан узib кўйилган пайтта кадар хисобланган Абонент томонидан мажбурий тартибида тўланиши лозим.
  - 4.5. Хисоб-китоб даври учун ҳар ойлик Абонент томонидан хисоб-китоб даврининг биринчи санасига кадар аванс тўлови билан 100% олдиндан тўлов шаклида тўланиши керак ва Абонент томонидан хисоб-китоб даврида кўрсатилган хизматлардан амалда фойдаланганликдан катъий назар, Оператор томонидан хисобдан чиқарилади. Хисоб-китоб даврида давомида Абонент раками фаолаштирилганда, ушбу ой учун Абонент тўлови Абонент раками фаолаштирилган пайтдан эътиборан ой охиригача қолган кунлар сонига мутаносиб равишда хисоблаб чиқилади.
  - 4.6. Хисоб-китоб даври учун ҳар кунлик Абонент тўлови Абонент томонидан кейинги хисоб-китоб куни бошлангунига кадар тўланиши лозим.
  - 4.7. Оператор Абонентга алока хизмаларини факат олдиндан тўлаш шартида тақдим этади. Абонент томонидан танланган тариф режасига мувофиқ олдиндан тўлов келиб тушмаган ёхуд ўчириб кўйиш чегарасига етган ёки Абонентнинг шахсий хисоб режасига мурожаат килинган пайтдан бошлаб кечи билан охирги 24 (йигирма турт) ой учун Абонентнинг амалга оширилган кириш/чикиш кунгироклар, жўнатилган/кабул киланган sms-хабарлар, трафик буйича маълумотларнинг Абонент ракамига алоҳида қўлланилади. Бунда Абонент раками сакланишига кафолат берилмайди. Абонент раками фаолаштириш (“Фаол” макомига ўтказиш) учун Абонент мавжуд бўлган бутун карздорликни тўлаши ва амалдаги тарифларга биноан фаолаштириш чегарасидан кам бўлмаган микдорда олдиндан тўловни киритиши керак.
  - 4.8. Абонентнинг аризасига асосан алоҳида тўлов эвазига (Операторнинг тарифлари бўйича) Абонентнга тегишли бўлган ҳар бир Абонент раками бўйича Компанияга ёзма мурожаат килинган пайтдан бошлаб кечи билан охирги 24 (йигирма турт) ой учун Абонентнинг амалга оширилган кириш/чикиш кунгироклар, жўнатилган/кабул киланган sms-хабарлар, трафик буйича маълумотларнинг батафсил чоп этишлари тақдим этилиши мумкин. Юкорида кўрсатилган маълумотлар паспорт ёки унинг ўрнини босувчи хужжат кўрсатилганда Абонентга шахсан тақдим этилади.
  - 4.9. Тўлов миллий валютада амалга оширилади.
  - 4.10. Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ мазкур Шартнома бўйича Абонентнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун Оператор томонидан кўрсатилган хизматларга ҳак тўлаш бўйича Абонентнинг мажбуриятлари бажарилиши учун Оператор олдида тўлиқ жавоб бериш мажбуриятини олувчи учинчи шахслар билан кафиллик шартномалари тузилиши мумкин. Бундай кафиллик шартномалари мазкур Шартноманинг ажралмас кисми хисобланиб, тарафлар томонидан бажарилиши мажбур.
  - 4.11. Шартнома бўйича уланган Абонент ракамлари сонидан катъий назар, Абонентнинг шахсий хисоб ракамига тўлов келиб тушганда пул маблағлари биринчи навбатда Абонентнинг умуман бутун Шартнома бўйича карздорлигини конланаша ражаларига биноан хизматларга ҳак тўлаш учун, шунингдек умуман бутун Шартнома бўйича амалда кўрсатилган алока хизматлари учун йўналтирилади.
  - 4.12. Абонентнинг шахсий хисоб ракамида мавжуд бўлган пул мамлағлари хисобдан чиқарилади ва Абонент танлаган тариф режаларига биноан хизматларга ҳак тўлаш учун, шунингдек умуман бутун Шартнома бўйича амалда кўрсатилган алока хизматлари учун йўналтирилади.
  - 4.13. Хисоб-китоб даври тугаганидан сўнг Оператор Ўзбекистон Республикасида нақдсиз хисоб-китоблар тўғрисидаги Низомга мувофиқ пул маблағларни акцепт тартибида хисобдан чиқариш учун Абонентнинг хисоб ракамига тўлов талабномаларини тақдим этиш хукуқига эга.

- 4.14. Мазкур Шартноманинг дастлабки (таксимий) суммаси хизматлар ҳажмига қараб ўзгариши мумкин. Шартнома бўйича тўлов ҳар ойда ёки ҳар чоракда амалга оширилади.
- 4.15. Мазкур Шартнома бўйича такдим этилган хизматларга ҳак тўлаш Абонент томонидан Фазначилик оркали Операторнинг хисобига пул маблағларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади, агар ўзга қоида мазкур Шартномада назарда тутилмаган бўлса.
- 4.16. Такдим этилган хизматлар учун хисоб-китоб Фазначилик томонидан давлат бюджетидан ажратилган ва Шартноманинг 4.14-бандига биноан Шартноманинг дастлабки (таксимий) суммасига мувофик келувчи лимит доирасида амалга оширилади. Белгиланган лимитдан ошиб кетган тақдирда, Абонент мавжуд бўлган бутун карздорликни мустакил равишда тўлаб бериши шарт.
- 4.17. Абонент ва Оператор ўртасида кўчма радиотелефон (уали) алоқа хизматларини такдим этиш учун бир неча шартнома тутилган тақдирда. Оператор бундай шартномалар бўйича келиб тушган ва/ёки мавжуд бўлган пул маблағларини Абонентни кўшимча хабардор килмасдан мазкур Шартнома бўйича карздорликни коплаш хисобига йўналтириш (хисоблаш) хукукига эга.

## 5. ФОРС-МАЖОР ВАЗИЯТЛАР

- 5.1. Оператор форс-мажор деб эътироф килинган, яни енгиб бўлмас кучга эга ҳолатлар хисобланган вазиятлар сабабли мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди. Умумкабул килинган вазиятларга кўшимча равиша, Тарафлар куйидагиларни форс-мажор вазиятлар деб хисоблашга келишиб олдилар: Ҳукуматнинг ёки давлат органлари ва ташкилотларининг Операторнинг уали алоқа хизматларини кўрсатиш, монтаж килиш жараёни, синовлар, техник хизматлар кўрсатишни амалга ошириш имкониятларини чеклайдиган ёки бундай имкониятлардан маҳрум киладиган, шунингдек хизматлар учун тўловлар тартиби ва шаклига таъсир кўрсатадиган ҳар кандай харакатлари. Операторнинг жавобгарлиги, агар бундай жавобгарлик Оператор томонидан ўз шартномавий мажбуриятлари бузилиши оқибатида, шу жумладан ҳар кандай хатолик, камчилик, нуксон, ишдаги узилиш ёки ускунанинг ишламай қолиши сабабли юзага келган бўлса, Абонент томонидан Операторнинг хизматлари учун ўртacha ойлик тўлов суммасига тенг суммадан юкори бўлмаслиги лозим.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АЛОХИДА ШАРТЛАРИ

- 6.1. Операторнинг абонент базасини кенгайтириш учун йўналтирилган бирор бир маркетинг тадбирлари амал килиш даври учун белгиланадиган уали тармокка уланиш шартлари бозор вазиятига қараб ўзгаририлиши ёки тўлдирилиши мумкин.
- 6.2. Уланиш вактида чегирмалар, бонуслар, мукофотлар ва/ёки имтиёзлар олган Абонент мазкур Шартномада кўрсатилмаган, алоҳида тузиладиган шартнома билан белгиланадиган барча кўшимча шартларга риоя килиш мажбуриятини олади.
- 6.3. Шартноманинг 6.2-банди талаблари бузилган тақдирда, Абонент чегирмалар, бонуслар, мукофотлар ва/ёки имтиёзлардан маҳрум килинади ва унга тақдим этилган имтиёзлар учун Операторнинг харажатларини коплаб бериши шарт.
- 6.4. Оператор куйидаги ҳолатларда Абонентга Шартнома тувишни рад этиш хукукига эга:  
 1) Оператор тармоғидан фойдалана олишнинг техник имкониятлари мавжуд бўлмаган тақдирда;  
 2) Абонент томонидан талаб килинаётган уали алоқа тармоғи хизматларини кўрсатишнинг техник имкониятлари мавжуд бўлмаган тақдирда;  
 3) Операторда муайян Абонентнинг Оператор томонидан илгари кўрсатилган алоқа хизматлари учун карздорлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда;  
 4) Операторда бошқа Абонент томонидан йўкотилган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги талабларига ва мазкур Шартнома шартларига мувофик бўлмаган Абонент ускунаси/RUIM-картасига маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда.
- 6.5. RUIM-картасидан фойдаланган холда уланганда/RUIM-картасига кайта дастурланганда олинган RUIM-картасининг нуксонлари ёхуд носозликлари аниқланган тақдирда, RUIM-картасини алмаштириш учун кафолат муддати “RUIM” хизматини кўрсатишни кунидан RUIM-картасидан фойдаланган холда уланган/RUIM-картасига кайта дастурланган пайтдан эътиборан 10 кунни ташкил этади.

## 7. МАХФИЙЛИК

- 7.1. Оператор ходимларига, улар томонидан хизмат мажбуриятларининг бажарилиши сабабли маълум бўлган Абонентлар тўғрисидаги маълумотлар маҳфий ахборот хисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик тўғрисидаги маълумотлар кўнгироклар ва/ёки СМС/хабарлар тўғрисида ахборот, шунингдек Абонентни ва унинг Абонент ускунаси/RUIM-ва/ёки киравчи кўнгироклар ва/ёки СМС/хабарлар тўғрисида ахборот, шунингдек Абонентни ва унинг Абонент ускунаси/RUIM-картасини бир хил идентификациялаш имконини берадиган бошқа маълумотлар. Кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот картасини бир ойни ошириши мумкин. Тарафлар мазкур Шартнома тўғрисидаги ҳар кандай факат Абонентга ва унинг конуний вакилларига берилиши мумкин. Тарафлар мазкур Шартнома тўғрисидаги ҳар кандай факат Абонентга ва унинг конуний вакилларига берилиши мумкин. Тарафлар мазкур Шартнома тўғрисидаги ҳар кандай факат Абонентга ва унинг конуний вакилларига берилиши мумкин. Тарафлар мазкур Шартнома тўғрисидаги ҳар кандай факат Абонентга ва унинг конуний вакилларига берилиши мумкин.
- 7.2. Абонент тўғрисида маҳфий ахборот Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 201-моддасига мувофик хукукни муҳофаза килиш органларига тақдим этилиши мумкин.

## 8. АБОНЕНТНИНГ ОПЕРАТОРГА ТАЛАБЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, Абонент Операторга талаб билан мурожаат килиши мумкин.
- 8.2. Талаб ёзма кўринишда тақдим этилади ва Оператор томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиниши лозим.
- 8.3. Алоқа хизматлари кўрсатилмаганлиги, ўз вактида кўрсатилмаганлиги ёки сифатсиз кўрсатилганлиги билан боғлик талаблар бундай хизмат кўрсатилган санадан эътиборан 3 (уч) ой ичida кабул килинади.
- 8.4. Такдим этилган хисоб билан норози бўлган тақдирда, Абонент уни кабул килиган кундан эътиборан 3 (уч) календар кун ичida ёки уни тўлаган пайтдан эътиборан 20 (йигирма) календар кун ичida Операторга асосланган талаб билан мурожаат килиши мумкин. Кўрсатилган муддатлар тугаганидан сўнг тақдим этилган ва/ёки тўланган хисоблар бўйича талаблар Оператор томонидан кабул килинмайди.
- 8.5. Талабларга ёзма равишдаги жавоблар мазкур Шартноманинг 8.2-бандига биноан Оператор томонидан талаб рўйхатга олинган

санадан эътиборан 30 (үттиз) кун ичди берилиши керак.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- 9.1. Мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида ва мазкур Шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўладилар.
- 9.2. Шартнома бўйича тўлов муддатлари бузилган тақдирда, Абонент Операторга карздорлик пайдо бўлган санадан эътиборан ҳар бир кечикирилган тўлов куни учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5% микдорида жарима (пеня) тўлайди, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% дан кўп бўлмаган микдорда.
- 9.3. Оператор Абонентнинг билвосита заарлари ва бой берилган фойдаси учун жавобгар бўлмайди.
- 9.4. Абонентнинг буюртмасига кўра Операторнинг тармоғи орқали учинчи шахсларга юбориладиган контент тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги, унинг мазмуни ва сифати учун жавобгар бўлмайди.
- 9.5. Оператор уяли алоқа хизматларини кўрсатиб бўлмаслиги учун жавобгар бўлмайди, агар бу Абонент томонидан абонент ускунасидан/RUIM-картасидан нотўғри фойдаланиш билан боғлик бўлса. Абонент томонидан абонент ускунаси/RUIM-картаси ва аксессуарлардан нотўғри фойдаланиш сабабли содир бўлган бузилишларни бартараф этиш бўйича барча моддий харажатлар Абонентга юкланди.
- 9.6. Оператор Абонент томонидан абонент ускунаси ва/ёки мобил/шахсий кабинет орқали берилган командалар учун, шунингдек Абонент томонидан абонент ускунасида бажарилган созлашлар (шу жумладан завод созлашлари) тўғрилиги учун жавобгар бўлмайди. Бунда Шартнома бўйича Абонентга унинг командалари бўйича ҳамда абонент ускунаси унга белгиланган созлашларга (завод созлашларга) мувофиқ ишлаш режимида тақдим этилган барча хизматлар ҳолатлари учун факат Абонент жавобгар бўлади.  
Абонент унинг номига расмийлаштирилган барча абонент ракамлари, жумладан улар ноконуний равишда ишлатилгани учун Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилига мувофиқ жавобгардир.
- 9.7. Алоқа хизматларни кўрсатиши билан боғлик бўлган барча низо ва келишмовчиликлар тарафлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги ва мазкур Шартнома шартларига мувофиқ ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришилмаган келишмовчиликлар Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилиши лозим. Оператор Ўзбекистон Республикаси конунчилиги мувофиқ тақдим этилган хизматларга ҳак тўлаш бўйича карздорликни Абонентдан ундириш тўғрисида даъво билан судга мурожаат килишга ҳақли.

## 10. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ (ТУГАТИЛИШИ) ШАРТЛАРИ

- 10.1. Мазкур Шартнома Тарафлар имзолангандан ва Фазначиликда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг кучга киради ва 20 \_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” гача амал килади. Шартномани Фазначиликда рўйхатдан ўтказиш Абонент мустақил амалга оширади. Абонент Шартноманинг рўйхатдан ўтказилган нусхасини кечи билан Фазначиликда рўйхатдан ўтказилган кундан кейинги кунгача кайтариш мажбуриятини олади. Ушбу талаб бузилган тақдирда, Оператор қайта тиклаш хукукисиз абонент ракам(ларини узиб кўйиш хукукига эга, бунда Абонент мазкур Шартнома бўйича барча тақдим этилган хизматларга тўлиқ ҳажмда ҳак тўлаш мажбуриятини олади. Ушбу банднинг қоидалари Тарафлар ўртасида тузиладиган қўшимча келишувларга ҳам тааллуклидир.
- 10.2. Амалдаги тарифларга мувофиқ барча назарда тутилган бошлангич тўловлар Абонентдан Операторнинг хисобига келиб тушганидан сўнг Оператор алоқа хизматлар кўрсатишини бошлиайди.
- 10.3. Шартнома ҳар қайси Тарафнинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.
- 10.4. Абонент Шартнома бўйича тақдим этилган хизматлар учун олдиндан барча хисоб-китобларни амалга оширган ҳолда, Операторга ёзма шаклда мурожаат этиб, хизматлардан воз кечиши ва мазкур Шартномани бекор қилиши мумкин. Бунда, Абонентнинг илгари киритилган тўловлари Оператор томонидан Абонентнинг тўланмаган хисобларни (агар улар бўлса) копланаш учун ишлатилади. Абонентнинг шахсий хисоб ракамида колган маблағлар (агар улар бўлса), Шартноманинг 11.1-бандида белгиланган тартибда Абонентга кайтарилиши лозим.
- 10.5. Мазкур Шартнома шартлари Абонент томонидан бузилган тақдирда, Оператор унга бундай бузилиш маълум бўлган пайтдан эътиборан мазкур Шартномани бир тарафлама тартибда бекор килиш хукукига эга бўлади.
- 10.6. Агар абонент ускунаси/RUIM-картаси тармокдан узилган пайтидан эътиборан 2 (икки) ой ичди Абонент томонидан абонент раками фаоллаштирилмаса (“Фаол” макомига ўтказилмаган бўлса), Шартнома Абонент ташаббуси билан бекор қилинган хисобланади, абонент раками эса олиб кўйилади. бунда Абонент манзили бўйича алоҳида хабарнома юборилмайди. Абонент томонидан “имтиёзли” ракам танланганлиги учун тўлов Оператор томонидан копланмайди.
- 10.7. Мазкур Шартнома Абонент ўлган тақирда, Операторда тегишли тасдиковчи хужжат мавжуд бўлганида тутатилади.
- 10.8. Тарафлар томонидан мажбуриятларни бажарилиши мумкин бўлмаслигига олиб келадиган давлат организенинг хужжати қабул қилинган тақдирда, мазкур Шартнома бекор қилиниши лозим.
- 10.9. Шартномани бекор қилиш (тугатиш) Шартномада ёки Ўзбекистон Республикаси конунчилигида назарда тутилган бошка ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин.
- 10.10. Шартнома бекор қилинганда абонент ускунасини улаш (RUIM-картасидан фойдалангандан ҳолда/RUIM-картасига кайта дастурлаш) учун, шунингдек Абонент томонидан сотиб олинган, лекин фаоллаштирилмаган экспрес-тўлов карталари учун тўлов Абонентга кайтарилимайди. Абонентнинг эгалигига бўлган ускуна Оператор томонидан сотиб олинмайди.

## 11. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

- 11.1. Шартнома бекор қилинганда Абонентнинг шахсий хисоб ракамида колган маблағлар тарафлар томонидан тегишли таккослаш далолатномаси имзолангандан пайтдан эътиборан 15 (ён беш) банк куни ичди Абонентнинг ёзма аризасига асосан (ташкилот раҳбари томонидан имзолангандан, ташкилотнинг оригинал мухри билан) Абонентга кайтарилиши лозим. Пул маблағларини кайтариш миллий валютада Оператор томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Бунда, хисобланган абонент тўлови ва абонент ускунасини тармокка улаш учун тўлов, шунингдек RUIM-картасидан фойдалангандан ҳолда улаш/RUIM-картасига кайта дастурлаш учун тўлов Абонентга кайтарилимайди. Шартнома бекор қилинганда абонент ракамлари сакланиши Оператор томонидан кафолатланмайди. Шартноманинг бекор қилиниши тарафларни Шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод килмайди.
- 11.2. Абонент унга кўрсатилаётган уяли радиотелефон алокаси, радиотўлқинларнинг табиии тарқалиш шарт-шароитларига кўра, бинолар яқинида ва ичди, туннелларда, ертўлаларда, метро, шунингдек махаллий худуднинг ер юзаси рельефи, нокулад метеорологик шарт-шароитлар ва бошка сабаблар туфайли ёмонлашиши, узилиб колиши ёки шовкинлар билан бирга кечиши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилинган ва розилик билдирган. Шунингдек, Абонент унга кўрсатилаётган маълумотлар

узатиш бўйича хизматлар, шу жумладан CDMA уяли тармогининг ўзига хос тузилишига кўра Интернет тармогидан фойдалана олиш, овозли радио каналлардан алоҳида ва овозли радио каналларга нисбатан иккиламчи хисобланган, факат муайян радио шароитларда, хусусан: абонент курилмаси юкори тезликка эга радио каналларнинг тургун кабул килинишини таъминлайдиган (очик бўшликлар, катта деразаларга ва ингичка деворларга эга биноларда ва х.к.) зонада бўлган вактда ажратиладиган юкори тезликка эга радио каналлар бўйича кўрсатилаётганини тўғрисида хабардор килинган ва розилик билдирган. Шу сабабли маълумотлар узатиш учун юкори тезликка эга радио каналлар билан копланган зона овоз узатиш учун радио каналлар билан копланган зонага мос келмаслиги мумкин. Абонент кўрсатилаётган алока хизматлари сифати ва хизмат кўрсатиш зонасининг чегаралари тўғрисида хабардор килинган ва розилик билдирган.

- 11.3. Абонентга тақдим этилаётган радиотелефон алокаси, ўзига хос тузилишига кўра, Оператор ваколатларидан ташқарида бўлган маҳаллий узатма телефон линиялари операторларининг ускуналари, халкаро ва шаҳарлараро алока операторларининг ускуналари сифатига боғлик бўлади.
- 11.4. Оператор тармогига битта Абонентнинг бир неча абонент ракамлари уланиши мумкин. Бу ҳолда тарафларнинг Шартнома билан белгиланган мажбуриятлари ва хукуклари ҳар бир абонент раками учун ҳақиқийdir.
- 11.5. Абонент томонидан танланган тариф режасини алмаштириш ва/ёки кўшимча хизматлар тўпламини ўзгартириш:
  - Абонент ёки унинг вакили шахсан ташриф буорганда ёзма аризаси бўйича амалга оширилади;
  - электрон почта info@perfectum.uz орқали ариза юбориши;
  - Абонент томонидан мазкур Шартноманинг 3.2.13-бандига мувофик шахсий/мобил кабинетида тегишили ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилади.
 Бунда янги уланиш, қайта уланиши (шартнома бекор килинганидан сўнг), ракамни тиклаши, детализация, абонент раками ва/ёки абонент ускунасини алмаштириш факат Абонент ёки унинг вакили шахсан ташриф буорганда ёзма аризаси бўйича амалга оширилади. Аризалар Операторнинг офисларида ва дилерлик пунктларида кабул килинади.
- 11.6. Мазкур Шартномани бажариш билан боғлик ёки ундан келиб чикадиган барча хабарномалар, билдиришлар тарафлар томонидан бир бирiga Шартномада кўрсатилган корреспонденцияни етказиб бериш манзиллари бўйича юборилиши керак.
- 11.7. Мазкур Шартномага барча ўзгартиришлар ва кўшимчалар улар ёзма равишда баён килинган ва тарафлар томонидан имзоланган бўлсагина ҳақиқий хисобланади.
- 11.8. Мазкур Шартнома рус тилида тузилган ва ўзбек тилига таржима килинган. Мазкур Шартноманинг бирор бир қоидаси талкин килинишига нисбатан низо юзага келган такдирда, рус тилидаги матн устувор кучга эга бўлади.

## 12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ


### ОПЕРАТОР:

12.1. "RUBICON WIRELESS COMMUNICATION" МЧЖ КК  
 Манзил: Ташкент ш., Гагарин кўчаси, 40  
 Банк реквизитлари:  
 X/P: 20214000600457927001  
 Банк: МФО 00451, Г.ТАШКЕНТ, ОПЕРУ при ТГУ НБ ВЭД РУЗ  
 СТИР: 201501439  
 ИФУТ: 61200  
 Телефон: 98-127-00-77, 98-305-11-11.  
 Факс: 98-305-11-66.

### АБОНЕНТ:

12.2. Абонент "ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ХОКИМЛИГИ"  
 Манзил: Джизакская обл. г.Джизак ул.Ш.Раширова дом 64  
 Банк реквизитлари:  
 X/P: 23402000300100001010  
 Банк: Г.ТАШКЕНТ, РКЦ ГЛ. ГОР. УПРАВЛЕНИЯ ЦБ  
 МФО: 00014  
 СТИР: 200342788  
 ИФУТ:  
 Телефон: 2263090  
 Факс: 72-2261321  
 Контактное лицо : ABDUVAXABOV ABDURAXIM ISMAILOVICH

## 13. ТАРАФЛАРНИНГ ИМЗОСИ ВА МУҲРЛАРИ:



Патапатов Э.М.

М.П.



Имзо

М.П.